

## А Ж Р И М

2023 йил 15 февраль куни жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Б.Эргашев, судья ёрдамчиси М.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори катта ёрдамчиси Р.Умаров ва ҳимоячи У.Нишонунинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи

Шокиров Иззатжон Умиджон ўғли, 1994 йил 12 июнда Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, судланмаган, “Гранд” кредит савдо дўконида ишчи, Олтиариқ тумани, “Бунёдкор” МФЙ, О.Мадалиев кўчаси, 98-уйда яшовчига

оид 1-1514-2301/63 сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчининг вакилининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг вакилининг кўрсатуви ҳамда тарафларнинг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан тақдим қилинган жиноят иши ҳужжатларига кўра, И.Шокиров 2023 йил 2 январь куни соат 18 ларда бошқарувидаги “Spark” русумли, 40 D 026 НА давлат белгили автомашинасида “4P-147A Катпут қишлоғига кириш” автомобиль йўлининг Олтиариқ тумани, “Ғайрат” МФЙ, Истиқлол кўчасидан ўтган 1 км.да ҳаракатланиб кетаётиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-бандидаги ҳайдовчи йўлга чиқишдан олдин транспорт воситасининг техник созлигини, тозаллигини ва тўлиқ жиҳозланганлигини текшириши, ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг техник созлигини таъминлаши, ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айникса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши кераклиги, 73-бандидаги ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўкнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақлаши кераклиги, 77-бандидаги ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини



у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги ҳақидаги қоидаларини қўпол равишда бузиб, йўлнинг ўнг томонида ногиронлик аравачасида ҳаракатланиб кетаётган Т.Умаровни орқа томонидан уриб юбориб, уни ўртача оғир шикаст олишига сабабчи бўлган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 9 январдаги 46-сонли хулосасига кўра, жабрланувчи Т.Умаровда чап қўл 1-кафт суягини ёпиқ синиши, пешона, ўнг ёноқ, бурун соҳасида лат яра ва шилинмалар бўлиб, бу тан жароҳати ўрта оғирликдаги шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Гумон қилинувчи И.Шокиров судда, 2023 йил 2 январь куни соат 18 ларда бошқарувидаги “Spark” русумли автомашинасини Олтиарик тумани, “Ғайрат” маҳалласи, Истиклол кўчасидаги йўлда ҳаракатланиб кетаётиб, йўлнинг ўрта қисмида ногиронлик аравачасида ҳаракатланиб кетаётган Т.Умаровни орқа томонидан уриб юборгани, натижада Т.Умаров ўрта оғир даражада тан жароҳати олгани, ҳозирда айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи Т.Умаровга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб, у ва унинг вакили билан ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, ишни ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчининг вакили Х.Собирова судда, жабрланувчи Т.Умаров ўғли бўлиб, ҳозирда ётиб даволанаётгани учун унинг вакили сифатида иштирок этаётгани, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 2 январь куни соат 18 ларда И.Шокиров бошқарувидаги “Spark” русумли автомашинасида ногиронлик аравачасида ҳаракатланиб кетаётган ўғли Т.Умаровни орқа томонидан уриб юбориб, уни ўрта оғир даражада тан жароҳати олишига сабабчи бўлгани, ҳозирда И.Шокиров ўғлига етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ўғли Т.Умаров ва уни унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзгани, бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунгани, у билан ихтиёрий ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, ишни ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида, ушбу кодексининг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги;

ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида, жабрланувчи ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, гумон қилинувчи И.Шокировнинг ўз айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, жабрланувчининг вакилини унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашиш тўғрисидаги ариза ихтиёрий равишда берилгани,



тарафларни ярашувга розилиklarини инобатга олиб, уни ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиной жавобгарликдан озод этиб, жиноят ишини ЖКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Шокиров Иззатжон Умиджон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиной жавобгарликдан озод этилсин ва жиноят иши иш юритишдан тугатилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

Б.Эргашев

Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
туман судининг раиси

Б.Эргашев

